



(1881, Кармана – 1944. 28-апрел, Кобул)
(1910-1920)

Мангитлардан бўлган Бухоро амири. Петербургдаги Николаев (пажлар) корпусида таълим олган (1893-96). 1898-йил Карши, валиахд сифатида Кармана бекликларига ҳоким бўлган. Отаси вафотидан сўнг 1910-йил 24-декабрда Бухоро тахтига ўтирган. Унинг даврида Бухоро амирлигининг Россияга қарамлиги янада кучайди. Тараккийпарвар кучлар шунингдек, Ёш бухороликлар каттик таъкиб қилинди. Биринчи Жаҳон уруши даврида Россия императори Николай II уни генерал – лейтинант ҳарбий унвони билан тақдирлаган ва ўзининг генерал – адъютанти қилиб тайинлаган (1915-йил декабр). Чунки у Россияга катта микдорда пул билан ёрдам берган эди. Бухорода 1917-йил апрел намоиши, хусусан, Колесов воқеаси (1918-йил март) дан кейин у амирлик ҳудудида 3 минг кишини жаҳидликда айблаб, ноҳақ қатл эттирган. 1920-йил августда Бухоро босқини натижасида амирлик тузуми ағдариб ташланди. Сентабр ойининг ўрталарида Олимхон Шаркий Бухорога бориб, Бухоро халқининг

боскинчи кизил армияга карши олиб борган мустакиллик курашига рахбарлик килишга уринди. Олимхон Хисор вилоятини ўзига кароргох килиб, 6 ой давомида кизил аскарларга карши курашган. Хисорда янги ҳукумат ташкил килиб, бухорооликларнинг кизил аскарларга карши олиб бораётган жанг ҳаракатларини мувоффақиятлаштиришга интилан. Олимхон Кўлоб, Хисор ва Душанба атрофида катта микдордаги кучларни бирлаштиришга муваффақ бўлган. 1920-йил ноябр ойининг ўрталарида унинг кўшинлари Бойсун, Дарбанд, Шерабодни кизил аскарлардан озод килишди. Олимхон ихтиёрига Фарғонадан ёрдамга юборилган 4 минг йигит ҳам Шаркий Бухорога етиб келади. 1921-йил 8-январда Олимхон кўшининг микдори 25 минг кишига етган. Хисордан Кўлоб вилоятига келган Олимхон бутун кўшинларига Иброҳимбекни олий- бош кўмондон (Ўринбосарлар: Шаркий Бухорода – Давлатманбек ва Гарбий Бухорода – мулла Абдулкаххор) килиб тайинлайди. Бирок, бир катор жангларда мағлубиятга учрагач, Олимхон Амударёнинг Чубек кечувидан Афғонистонга ўтиб кетган (1921-йил 4-март). Олимхонни Кобулга Афғонистон амири Омонуллахон қабул килиб, доимий яшаши учун унга Калъайи Фотуда махсус кароргох ажратиб беради. У Кобулда яшаса ҳам Бухородаги озодлик ҳаракатига гоёвий жихатдан рахбарлик килишда давом этди, кўрбошлар ва уламоларга турли мактублар ва кимматбаҳо совғалар жўнатиб, уларни курашга илҳомлантирган. Олимхон Кобулда ўзининг эсталикларини ёзиб тугаллайди. Умрининг охирида кўзи ожизланиб қолади, огир дардга чалинади узок давом этган хасталиклардан сўнг у Калъайи Фотуда вафот этади. Кобул атрофидаги “Шахидони ислом” (ислом шахидлари) қабристонида дафн этилган. Олимхоннинг хотиралари Парижда франсуз тилида (1929), кейинчалик Гарбда форс тилида, Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида (1991), Тожикистонда тожик тилида (1992) алоҳида китоб сифатида чоп килинган. Олимхон хикмронлиги даврида Бухорода “Олимхон мадрасаси” қурилган, “Ситораи Моҳи Хоса” саройини қуриш якунланган.